

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим  
йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 918  
• 14 • 08 2020 йил

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1. Умумий компетенциялар.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	9
2.3. Касбий квалификациялар.....	10
3. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	10
3.1. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар .....	10
3.2. 5230600 – <i>Молия ва молиявий технологиялар</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	10
Библиографик маълумотлар.....	11

## **1. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5230600 – Молия ва молиявий технологиялар** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Бу таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машгулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабага «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) - тегишли йўналиши бўйича квалификацияси киритилган «диплом» иловаси билан берилади. Иқтисод таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларининг битирувчилари магистратура мутахассислиги бўйича ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **5230600 – Молия ва молиявий технологиялар** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5230600 – Молия ва молиявий технологиялар** – иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат молияси, хўжалик юритувчи субъектлар молияси, уй хўжалиги молияси, давлат бюджети, маҳаллий бюджет, ижтимоий таъминот, бюджетдан молиялаштириш, ғазначилик, давлат хариди, давлат мақсадли фондлари, молиявий режалаштириш, молиявий назорат, молия бозоридаги операциялар, молиявий рискларни бошқариш, акциядорлик жамиятлари молияси, молия-саноат гуруҳлари ва трансмиллий корпорациялар фаолият механизми, холдинг компаниялари молияси, масъулияти чекланган жамиятлар молияси, қўшма корхоналар молияси, қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни ташкил этиш, молия бозоридаги операцияларни юритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш, корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари:
  - давлат молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар;
  - молиявий фаолият билан шуғулланувчи ва назорат қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари;
    - бюджет ташкилотлари;
    - давлат мақсадли жамғармалари;
    - инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар;
    - Давлат Солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари;
    - Давлат Божхона Қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари;
    - Марказий банк, тижорат банклари, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатувчи нобанк ташкилотлар, пул муомаласи, касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар;
      - криптобиржалар;
      - суғурта компаниялари;
      - электрон тўлов тизимлари;
      - электрон тижорат субъектлари;
      - лизинг компаниялари;
      - фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорлар, товар-хон ашё биржаси;
      - молия-саноат гуруҳлари;
      - трансмиллий корпорациялар;
      - акциядорлик компаниялари;
      - рейтинг агентликлари;
      - молиявий назоратни назоратни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлари;
      - молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари;
      - молиявий консалтинг фирмалари;
      - бошқа молиявий-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобланади.

**1.2.3. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида);
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишга қатнашиш;

- бюджетни ягона ҳисоб орқали бошқаришни, бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини, бюджет даромадлари ва харажатлари ижросини ташкил этиш бўйича молия органларида иш юритиш;

- давлат бюджетини кассали ижро этиш ҳисобини, давлат бюджети ягона ҳисобварағи орқали операцияларни бошқаришни, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидаги бюджетларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан ўрнатилган тартибда кассали ижро этишни амалга ошириш;

- корпоратив молиявий стратегияни ишлаб чиқиш, баҳолаш усулларини билиш ва қўллаш;

- молия бозорида молиявий технологиялар қўлланилишини давлат томонидан тартибга солиши;

- молиявий технологиялар қўлланилиши борасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар бера олиши;

- криптовалюталар муомалага чиқариш ва улар муомаласини ташкил этиш;

- рақамли банк хизматларини жорий эта олиш ва кўрсата олиш;

- суғурта компанияларида онлайн суғурта хизматларини жорий эта олиш;

- электрон тўлов тизимларидан фойдалана олиш ва хизмат кўрсатиш;

- электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдалана олиш ва хизматлар кўрсатиш;

- фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорларда электрон савдо тизимлари орқали қимматли қоғозлар савдоларида иштирок эта олиш ва савдоларни амалга ошириш;

- электрон савдо тизимларида савдоларни йўлга қўя олиш;

- депозитарийларда электрон кастодиан хизматларини жорий этиш ва кўрсата олиш;

- электрон инвестицион воситачилик хизматларини кўрсата олиш;

- валюта биржасида электрон тарзда валюта савдоларини амалга ошира олиши;

- товар-хом ашё биржасида онлайн харидлар ва сотувларни амалга ошира олиши ва савдолар бўйича хизматлар кўрсата олиши;

- тижорат банкларида молиявий операциялар бўйича онлайн хизматлардан фойдалана олиши ва хизматлар кўрсатиши;

- акциядорлик жамиятларида молия институтлари билан молиявий технологиялар воситасида муносабатлар ўрната олиши;

- давлат харидлари самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш.

#### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- молия соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

- давлат ва корпоратив тузилмалардаги молиявий фаолиятни ташкил этиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларнинг молиявий фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари ва норматив талаблар асосида таҳлил қилиш;

- молия тизими ва унинг барқарорлигини таъминлаш, давлат бюджетининг самарали ижроси, давлат кредити, бюджет дефицити ва профитцитини бошқариш ва уларнинг ўзгариш анъаналарини таҳлил қилиш;

- давлат харидларини режалаштириш, самарали ташкил этиш ва назорат қилиш, мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлат харидлари тизими самарадорлигини баҳолаш;

- молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб териш;

- лойиҳалар, бизнес-режаларни тузиш, улар ижросини ташкил этиш, ҳисобини юритиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш;

- молиявий (бюджетларни) прогнозлаш ва режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

- ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий (бюджет) кўрсаткичлар(и)нинг ўзгариш тенденцияларини ва динамикасини таҳлил қилиш, молиявий рискларни баҳолаш;

- молиявий технологиялар, реал сектор, молия ва сугурта бозорлари, банк секторининг ривожланиши ва амалий фаолияти тенденцияларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

- хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда молия-кредит тизимининг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;

- тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширилганда молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;

- ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни химоялаш ва қайта ишлаш усулларини ҳамда дастурий воситаларни билиш.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- давлат ва корпоратив тузилмалар фаолиятида молиявий бошқарувнинг тартиб ва тамойилларини билиш;

- молия тизимида доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув тамойилларини билиш;

- давлат ва корпоратив тузилмаларда молиявий фаолиятни ташкил қилиш ва самарали бошқариш;

- молияни бошқариш стратегиясини билиш ва амалиётда қўллаш олиш;

- молиявий фаолиятга доир муаммоларини аниқлаш ва ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ташкил этиш ва тайёрлаш, бюджет ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш;

- молиявий технологиялар, молия ва сугурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

- молиявий технологиялар бўйича янги лойиҳаларга капитал жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицион фаолиятни юқори самарадорлик асосида ташкил этиш, молиявий рискларни бошқариш орқали фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли бошқарув органларида иш юритиш;

- стратегик масалаларни ҳал қилишда молиявий технологияларнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

- молиявий технологиялар соҳасида стратегик молиявий қарорлар қабул қилишда стратегик молиявий таҳлил методларини қўллаш олиш;

- молия бозорида молиявий технологиялар асосида операцияларни муваффақиятли ташкил этиш;

- молиявий технологиялар орқали халқаро операцияларини муваффақиятли ташкил этиш ва амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти органларида молиявий технологияларни ривожлантириш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда молия тизими ва унинг таркибий бўғинларининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

- бюджетдан молиялаштиришни такомиллаштиришга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- тармоқлар ва соҳаларда натижадорликка асосланган молиялаштириш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- таълимнинг инновацион усулларини қўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этишга қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш.

**Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;

- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**2. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- математиканинг чизикли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-



иктисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганишни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

## **2.2. Касбий компетенциялар:**

- иқтисодий категория ва қонунлар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари ва уларни бошқариш усулларини билиши;

- бюджетдан молиялаштириш асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, молиявий қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ҳамда моделлар ёрдамида ўрганиши;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартлари, усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари, риск трансфери ва трансформацияси ҳамда қоплама тўловчи бўйича суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- солиқ турлари ва уларни ҳисоблаш усулларини билиши;

- давлат харидлари тизимини тадрижий ривожланиши, уларни ўрнатиш шартлари, харидларни амалга ошириш шакллари ва давлат харидларини ташкил этиш механизмларини билиши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузиши;

- пул ва банк назарияси, амалиёти ва тадрижий ривожланиш босқичлари ҳамда истиқболини марказий банк ва тижорат банкларининг функционал мақсади ва ташкилий тузилишини билиши, актив ва пасив банк операцияларини қўллай олиши;

- молия бозорида молиявий технологиялар қўлланилишининг назарий, амалий асосларини билиши, криптовалюталар муомалага чиқариш ва улар муомаласини ташкил этиш ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, рақамли банк хизматларини жорий эта олиш ва кўрсата олиши;

- электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш, электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш, фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорларда электрон савдо тизимлари орқали қимматли қозғалар савдоларида иштирок этиш ва савдоларни амалга ошириш, электрон савдо тизимларида савдоларни йўлга қўйиш, депозитарийларда электрон кастодиан хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, электрон инвестицион воситачилик хизматларини кўрсатиш, валюта биржасида

электрон тарзда валюта савдоларини амалга ошириш, товар-хом ашё биржасида онлайн харидлар ва сотувларни амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Иқтисодчи, молиячи, молиявий менежер, молиявий маслаҳатчи, молия инспектори, молия, банк ташкилотларида мутахассис, давлат харидлари бўйича мутахассис, корпоратив молия бўйича мутахассис, молия бўлими мудир, сугурта компаниялари, лизинг компаниялари, газначилик ва пенсия бўлими инспектори, молиявий назоратни амалга оширувчи аудитор, халқаро валюта ва кредит оператори, товар-хом ашё биржаси ва валюта биржаси трейдери, брокери ва дилери, халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, банк операциялари бўйича мутахассис, халқаро кредит инспектори, хорижий инвестициялар молиячиси, халқаро молия бўйича иқтисодчи, молиявий консалтинг фирмаларида мутахассис, валюта захиралари ва бойликлари бўйича ғазначи, иқтисодий фанлар бўйича педагог квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## **3. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, таътилар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумқасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлари”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

<b>Ўқув даврлари</b>	<b>Кундузги таълим шакли учун*</b>	<b>Кечки таълим шакли учун*</b>	<b>Сиртки шакли таълим учун*</b>
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

молия, молиявий сиёсат, молия тизими, молиявий бошқарув, молиявий назорат, молиявий ҳисоботлар, молиявий кўрсаткичлар, молиявий режалаштириш, пул оқимларини бошқариш, молиявий менежмент, давлат молияси, корпоратив молия, харажатлар сметаси, бюджетдан молиялаштириш, ижтимоий таъминот, давлат бюджети, бюджет даромадлари, бюджет харажатлари, бюджет жараёни, бюджет тизими, бюджетлараро муносабатлар, бюджет дефицити, бюджет профицити, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари, солиқ, суғурта, давлат кредити, давлат қарзлари, тўловга лаёқатлилик, инвестиция, қимматли қоғоз, лизинг, халқаро молия, тўлов баланси, валюта операциялари, халқаро ҳисоб китоблар тизими, молия бозори, уй хўжаликлари молияси, ғазначилик, юридик мажбуриятлар, молиявий мажбуриятлар, давлат харидлари, бюджет буюртмачилари, корпоратив буюртмачилар, электрон дўкон, электрон аукцион, танлов ва тендер савдолари, рақамли иқтисодиёт, криптобиржа, рақамли банк, рақамли суғурта, электрон тижорат, инвестициялар ва инновациялар, ахборот-коммуникатив тизимлар, электрон тўлов тизими.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молия институти

Ректор в.в.б.  С.У. Мухмонов

2020 йил « 22 » 07

М.Ў.



**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  З.Т.Хакимов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

Ректор  Қ.Шарипов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги

Вазир ўринбосари  Ж.Абр уев

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

М.Ў.



“Colvir Software Solutions” қўшма  
корхонаси

Бош директори  Ш.Тошмуродов

2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_



Тошкент молия институтининг 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналишини малака талабини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” \_\_\_\_\_ 2020 й.

Биз, қуйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари Ж.Абраев, “Colvir Software Solutions” қўшма корхонаси Бош директори Ш.Тошмуродов ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.Меҳмонов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топширигида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Colvir Software Solutions” қўшма корхонаси ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талабларини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалари – Тошкент давлат иктисодиёт университети профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Colvir Software Solutions” қўшма корхонаси мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари кадрлар истеъмолчиси – “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, “Colvir Software Solutions” қўшма корхонаси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабларини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талабини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.



Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазири ўринбосари

Ж.И. Абраев

“Colvir Software Solutions” қўшма  
корхонаси Бош директори

Ш.Тошмуродов



Тошкент молия институти

ректору в.в.б.

С.У. Меҳмонов



Тошкент молия институтида тайёрланаётган

5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналиши учун

янгидан ярагиладиган малака талабларига кнритиладиган кадрлар истеъмолчларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т/р	<p>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</p>	<p>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</p>
шифри	<p>5230600</p>	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари ва уларни бошқариш усулларини билиши;</li> <li>-бюджетдан молиялаштириш асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, молиявий қарорларни қабул қилиш ва улар ижроси назоратини олиб бориши;</li> <li>-молия соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;</li> <li>-мавузулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;</li> <li>-иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг микродрий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ҳамда моделлар ёрдамида ўрганиши;</li> <li>-интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилиш;</li> <li>-илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш;</li> <li>-давлат харидлари тизимини тадрижий ривожланиши, давлат харидларига оид умумий талаблар, харидларни амалга ошириш тартиб-таомиллари ва давлат харидларини ташкил этиш механизмларини билиши;</li> <li>-молия бозорида молиявий технологиялар қўлланилишининг назарий, амалий асосларини билиши, криптовалюталар муомалага чиқариш ва улар муомаласини ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш, рақамли банк хизматларини жорий эта олиш ва кўрсата олиши;</li> <li>-замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>-электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш, электрон пул ўтказмалари тизимидан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш, фонд биржаси ва биржадан ташқари бозорларда электрон савдо тизимлари орқали қимматли қозғалар савдоларида иштирок этиш ва савдоларни амалга ошириш, электрон</li> </ul>

	<p>савдо тизимларида савдоларни йўлга қўйиш, депозитарийларда электрон кастодиан хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, электрон инвестицион воситачилик хизматларини кўрсатиш, валюта биржасида электрон тарзда валюта савдоларини амалга ошириш, товар-хом ашё биржасида онлайн харидлар ва сотувларни амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;</li> <li>- фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;</li> <li>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишнинг натижаларини баҳолаш;</li> <li>- молия тизимини бошқаришнинг замонавий муаммолари ва хусусиятларини аниқлаш, улар фаолиятини бошқаришнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- молиявий ресурсларни шакллантириш, тақсимлаш улар билан боғлиқ рискларни бошқаришда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>- молия соҳасида ҳужжатларни расмийлаштириш ва умумлаштириш, молиявий ҳисоботларни шакллантириш ҳамда расмийлаштиришда замонавий методларни қўллаш;</li> <li>- бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича молия соҳасининг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш.</li> </ul>
--	--

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

2. Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари классификатори Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори билан тасдиқланган.

**Ўзбекистон Республикаси молия  
вазирлиги ўринбосари**



**Ж.И. Аброев**

(Ф.И.О.)

**“Colvir Software Solutions” кўшма корхонаси  
Бош директори**



**Ш.Тошмуродов**

(Ф.И.О.)

**5230600 – “Молия ва молиявий технологиялар” бакалаврият таълим  
йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5230600 – “Молия ва молиявий технологиялар” бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.



Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмоличлар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юктамасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инobatга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5230600 – “Молия ва молиявий технологиялар” бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истикболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмоличларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

Тошкент молия институти  
“Давлатий молия”  
кафедраси мудири



и.ф.д., проф. Т.С.Маликов

5230600 – Молия ва молиявий технологиялар таълим йўналиши бўйича

бакалаврият давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги

бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

**БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ**

**КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Бошланиши	11 йиллик умумий ўрта таълим мактаби, 3 йиллик касб-хунар коллежи ёки академик лицейдан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил, ўқув режага мувофиқ.	3 йил, 6 семестр.	3 йил, 6 семестр.
3.	Таълим оловчилар сони	Талабга мувофиқ	233 та	216 та
4.	Ўтиш жойлари	Тошкент молия институти	University of Birmingham	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia
5.	Таълим берувчилар	Мос мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар ва магистр даражасига эга бўлган мутахассислар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар ҳам тақлиф этилиши мумкин)	University of Birmingham профессор-ўқитувчилари.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia профессор-ўқитувчилари.
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Тегишли факультет декани ва декан ўринбосарлари, тегишли кафедра мудир.	Money, Banking and Finance BSc мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудир.	BSc in Banking мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудир.
7.	Диплом	Тошкент молия институти бакалавр дипломи.	University of Birmingham бакалавр дипломи.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia дипломлари.

## БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Назарий дарслар	Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	Тегишли фан доирасида ўқитувчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган мавзулар доирасида ўтилади ва талабада ўзи хоҳлаган профессор-ўқитувчиси дарсини тинглаш имкони мавжуд.	Таълим жараёнида мажбурий фақат ислом банклари ва ислом молиялаш тизимини ўрганишга қаратилган, назарий дарслар эркин мулоқот ёки ихтиёрий маъқул келган услубларда ўтилади.
2.	Амалий дарслар	Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича	Амалий дарслар олдиндан талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан келишилган мавзуларда кичик-кичик гуруҳларда талабалар ўзлари ёқтирган услубларда ўтилиши мумкин.	Амалий дарслар ислом молиялаш тизимига доир ихтиёрий мавзуларда талабаларнинг ўзлаштириш имкониятларини инobatга олган ҳолда турли кўринишларда ва табиатда ҳам ташкил этилиши мумкин.
3.	Амалиёт	3 босқичда танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди малакавий амалиёт тарзида талаба томонидан танланган молия бўлимларида ўталади.	2 босқичда умумий фаолиятни ўрганиш ва битирув олди малака иши бўйича махсус амалиёт.	2 босқичда қисқа муддатли иш ўрганувчи ва битирув олди мутахассислик амалиёти.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, фанларни ўзлаштириш бўйича билимларини баҳолаш бакалаврият рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Кредитларни топшириш асносида етарли баҳолар олиб борилади ва якунда компьютер ҳамда оғзаки равишда тест ёки саволларга жавоб берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.	Таълим жараёни бевосита оғзаки, ёзма ва компьютерда ўтказиладиган аралаш турдаги саволлар кўринишида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.


## БАКАЛАВРИАТДА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институтининг 5230600 – Молия ва молиявий технологиялар бакалавриат таълим йўналиши	Муддати (соатда)	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Муддати (credit – аудитория соатлари)	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)	Муддати (Ўқув йилида режага мувофиқ)
Табиий-илмий ва гуманитар фанлар	1560	Principles of Economics A	10 credits	Quantitative and Statistical Methods	1 ўқув йили давомида
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120	Principles of Economics B	10 credits	Introduction to Management	1 ўқув йили давомида
Фалсафа	180	Applied Economics and IT Skills A	10 credits	Business and Communications Skills	1 ўқув йили давомида
Ўзбек (рус) тили	180	Applied Economics and IT Skills B	10 credits	Financial Accounting 1	1 ўқув йили давомида
Хорижий тил	240	Financial and Business Systems	10 credits	Business Economics	1 ўқув йили давомида
Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90	Introduction to Finance	10 credits	Introduction to Banking & Finance	1 ўқув йили давомида
Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	240	Management Accounting	10 credits	Financial Accounting 2	1 ўқув йили давомида
Иқтисодчилар учун математика	480	Principles of Financial Accounting	20 credits	Accounting for Bankers	1 ўқув йили давомида
Жисмоний тарбия ва спорт	120	Advanced Quantitative Economic Methods A	10 credits	Business Law	1 ўқув йили давомида
<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>3360</b>	Introductory Econometrics B	10 credits	Banking Instruments & Procedures	2 ўқув йили давомида
Иқтисодиёт назарияси	390	Macroeconomics A	10 credits	Time Series and Forecasting	2 ўқув йили давомида
Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	270	Macroeconomics B	10 credits	Management of Financial Services	2 ўқув йили давомида
Менежмент. Маркетинг	270	Microeconomics A	10 credits	Integrated Business processes with SAP ERP System	2 ўқув йили давомида
Статистика	270	The Economics of Corporate Finance	10 credits	Financial Econometrics	2 ўқув йили давомида
Эконометрика	210	Corporate Financial Management	10 credits	Business Research Methods	2 ўқув йили давомида
Бухгалтерия ҳисоби	240	Regulatory Framework of Banking	10 credits	Financial Management	2 ўқув йили давомида
Иқтисодий таҳлил	240	Statistics for Economists	10 credits	Law of Banking & Finance	2 ўқув йили давомида
Суғурта иши	210	Economics Extended Essay A	10 credits	Treasury Management	2 ўқув йили давомида

Солиқлар ва солиққа тортиш	210	Economics Extended Essay B	10 credits	Credit Management	2 ўқув йили давомида
Аудит	270	Advanced Finance	20 credits	International Bank Officer	2 ўқув йили давомида
Инвестиция ва инновациялар	240	Economics of Banking	10 credits	Risk Management in Banking	3 ўқув йили давомида
Пул ва банклар	210	Monetary Policy	10 credits	Financial Derivatives	3 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	330	Applied Economics of the European Community A	10 credits	Corporate Finance	3 ўқув йили давомида
Ихтисослик фанлари	1830	Business Law A	10 credits	International Banking & Investment	3 ўқув йили давомида
Молия	720	History of Economic Thought A	10 credits	Investigations in Banking & Finance	3 ўқув йили давомида
Молия бозори ва молиявий технологиялар	480	Behavioural and Experimental Economics	10 credits	Building Customers Relationships	3 ўқув йили давомида
Халқаро молия	150	Economics of Financial Markets	10 credits	Portfolio Management	3 ўқув йили давомида
Танлов фанлар	480	Advanced Management Accounting	10 credits	Banking and Finance Project	3 ўқув йили давомида
Қўшимча фанлар	150	Advanced Financial Accounting	10 credits	Control & Audit System	3 ўқув йили давомида
Жами	6900	Жами:	340 credits	Corporate Restructuring	3 ўқув йили давомида
				Global Finance	3 ўқув йили давомида
				Жами:	34 та фан

“Давлатий молия” кафедраси мудири

Масъул



и.ф.д., проф. Т.С.Маликов

к.ўқ. У.Ю.Ўроқов